

ФОРС ТИЛИДА ҚЎШМА ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШ УСУЛЛАРИ ВА УНДА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Дилфуза Рафукжановна АХМЕДОВА

Филология фанлари доктори, доцент

Эрон-афгон филологияси кафедраси

Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент, Ўзбекистон

СПОСОБЫ ОБРАЗОВАНИЯ СЛОЖНЫХ ГЛАГОЛОВ В ПЕРСИДСКОМ ЯЗЫКЕ И РОЛЬ ЗАИМСТВЕННЫХ СЛОВ В ИХ ОБРАЗОВАНИИ

Дилфуза Рафукжановна АХМЕДОВА

Доктор филологических наук, доцент

Кафедра ирано-афганской филологии

Ташкентский государственный университет востоковедения, Ташкент, Узбекистан

WAYS OF FORMATION OF COMPLEX VERBS IN PERSIAN LANGUAGE AND THE ROLE OF BORROWED WORDS IN THEIR FORMATION

Dilfuza Rafukjanovna Akhmedova

Doctor of Science

Department of Iranian-Afghan Philology

Tashkent State University of Oriental Studies, Tashkent, Uzbekistan dilakhmedova@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 811.22.1: 81.2-5-98

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Ахмедова Д. Р. Форс тилида қўшма феълларнинг ясалиш усуллари ва унда ўзлашма сўзларнинг тутган ўрни. // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 5 (34). — Б.20-35

<https://doi.org/10.36078/1610694743>

Received: October 7, 2020

Accepted: November 25, 2020

Published: December 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақола форс тилида энг муҳим грамматик категориялардан бири — қўшма феъллар ясалиши тахлилига бағишланган. Унда қўшма феъл ясалишининг қатор моделлари келтирилиб, форс тилидаги қўшма феълларнинг ясалиш структураси аниқланди, уларнинг таркибий қисмлари ҳамда структур-семантик типологияси тадқиқ этилган. Мақолада қўшма феълларнинг таркибий қисмлари, содда феълларни “парчалаш”, “бўлиш” орқали қўшма феъллар ясалиши, бундай қўшма феълларнинг биринчи компоненти сифатида ўша асос қилинган феълнинг (ўзак) негизи, сифатдош шакли, ҳаракат номи хизмат қилиши, мазкур қўшма феълларни уларнинг ясалишига асос бўлган содда феъллар билан ўзаро семантик муносабатига кўра қатор гуруҳларга ажратиш мумкинлиги ёритилган. Шунингдек, қўшма феъл ясалишида ўзлашма сўзларнинг ўрни тадқиқ этилиш асносида форс тилида қўшма феълларни ўзлашма сўзлар иштирокида ясалиш муаммолари ўрганилди. Маълумки, араб тилининг форс тилига таъсири катта, шу жиҳатдан қўшма феъллар ясалишида ҳам арабий ўзлашмалар етакчилиги кузатилиши баён этилди. Европа тилларидан ўзлашмалар ёрдамида ҳам форс тилида қўшма феъл ясалиши маҳсулдор саналиб, асосан неологизмларни ифодаловчи ўзлашмалар қўлланиши маълум бўлади.

Калит сўзлар: феъл сўз туркуми; қўшма феъллар; ўзлашмалар; матн; маъно гуруҳи; нутқ феъллари; информативлилик; феълнинг функционал хусусиятлари.

Аннотация. Статья посвящена анализу образования сложных глаголов, которые являются одной из важнейших грамматических категорий в персидском языке. В нем представлен ряд моделей образования сложных глаголов, выявляется структура сложных глаголов персидского языка, исследуются их компоненты и структурно-семантическая типология. Изучение компонентов сложных глаголов в статье представляет собой образование сложных глаголов путем «разрушения» простых глаголов, «бытие», первым компонентом таких составных глаголов является основа глагола (корень), форма прилагательного, действие существительного, основа их построения, которые можно разделить на несколько групп в соответствии с их смысловой связью с простыми глаголами. В этой статье также рассматриваются проблемы составления сложных глаголов в персидском языке с помощью заимствованных слов. Известно, что влияние арабского языка на персидский велико, и в этом отношении утверждается, что превосходство арабских заимствований наблюдается и в образовании сложных глаголов. Также известно, что продуктивным считается образование сложных глаголов в персидском языке с помощью заимствований из европейских языков, в основном использование заимствований, выражающих новые понятия.

Ключевые слова: глагол; сложные глаголы; заимствования; текст; тематическая группа; глаголы речи; информативность; функциональные особенности глаголов.

Abstract. This article is devoted to the analysis of the formation of complex verbs, which are one of the most important grammatical categories in the Persian language. It presents a number of models for the formation of complex verbs, reveals the structure of complex verbs of the Persian language, examines their components and structural-semantic typology. The study of the components of complex verbs in the article is the formation of complex verbs by “destroying” simple verbs, “being”, the first component of such compound verbs is the verb stem (root), adjective form, noun action, the basis of their construction, which can be divided into several groups in accordance with their semantic relationship with simple verbs. This article discusses the problems of composing complex verbs in Persian using loan words. It is known that the influence of the Arabic language on Persian is great, and in this respect it is argued that the superiority of Arabic borrowings is also observed in the formation of complex verbs. It is also known that the formation of complex verbs in Persian using borrowings from European languages is considered productive, mainly the use of borrowings expressing neologisms.

Keywords: verbs; complex verbs; borrowings; text; thematic group; verbs of speech; informative; functional features of verbs.

Кириш. Форс тилида феъл бошқа сўз туркумлари орасида муҳим ўрин эгаллайди. У нафақат маъно хилма-хиллиги, балки шаклининг кўплиги билан ҳам ажралиб туради. Феъллар билан ифодаланган ҳаракат-ҳолат тушунчаси замон, майл, нисбат, шахс-сон категориялари билан узвий боғлиқ. Булардан ташқари, феъллар орқали яна ҳаракатнинг ўтимли-ўтимсизлиги, бўлишли-бўлишсизлиги каби маънолар ҳам ифодаланади. Шунингдек, феълларнинг от, сифат, равиш туркумларига хос хусусиятларга эга бўлган ҳаракат номи, сифатдош, равишдош шакллари бор.

Мақоладан кўзланган мақсад ҳозирги адабий форс тилидаги кўшма феълларнинг ясалиш структурасини аниқлаш, уларнинг таркибий қисмларини ҳамда структур-семантик типологиясини тадқиқ этишдан иборат. Мақолада кўшма феълларнинг таркибий қисмлари ўрганилди ҳамда феъл ясалишида ўзлашма сўзларнинг ўрни тадқиқ этилди.

Асосий қисм. Форс тили грамматикасига оид адабиётларда кўшма феъл, унинг таркиби ва ҳажми ҳақида аниқ таъриф учрамайди. Баъзи кўшма феъллар эркин феъллибирикмалар (масалан, ترجمه کردن “таржима қилмоқ”, خبر دادن “хабар бермоқ”) сифатида таҳлил қилинса, бошқалари турғун феълли бирикмалар (масалан, سرما خوردن “совуқ емоқ”, به راه انداختن “ишга туширмоқ”) деб қаралади. Форс тили бўйича грамматик адабиётларда ёркин ва турғун феълли бирикмаларнинг ўзаро фарқи уларнинг структурасида эмас, балки турғун феълли бирикмаларнинг маъносини таркибидаги компонентларнинг маънолари асосида изоҳлаб бўлмаслигидадир, деб тушунтирилади (7, 217). Ю.А. Рубинчикнинг фикрича, бундай тасниф кўшма феъл хусусиятларини очиб беролмайди. Кўшма феълларфеълнинг барча семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларига эга, бироқ у кўшма сўз эмас, балки таркибий қисмлари мустақиллигини сақлаб қолган турли даражадаги турғун феълли бирикмалардир (7, 217).

Ҳозирги вақтда форс тилида бирор ҳаракат ёки ҳолатни ифодалаш учун (агар илгари мазкур ҳаракат-ҳолат учун сўз мавжуд бўлмаган бўлса) янги содда ёки префикли феъл ясалмайди, балки кўшма феъл ясалади. Эроншунос олимларнинг кўрсатишича, “исм + феъл” модели асосида ясалган атиги 100 та феъл ҳозирги замон форс тилида кўп учрайди (1, 25). Бироқ мавжуд модел асосан сўзлашув нутқида қўлланилувчи содда феъллар ясалишида иштирок этади. Эронлик тилшунос олим Муҳаммад Резо Ботенийнинг “Fārsī, zabān-e ‘aqlim?” (Техрон, 1371) мақоласида сўзлашув нутқида хос бир қатор содда феъллар рўйхати келтирилган: سلفيدن “йўталмоқ”, نوپيدن “сўкинмоқ”, “ҳақорат қилмоқ”, پکيدن “ёрилмоқ”, شاليدن “чўлоқланмоқ”, كپيدن “ухламоқ”, لسيدن “ишва (ноз-карашма) қилмоқ” каби.

Кўшма феъл ясалишида префиксли феъллар ҳам содда феъллар каби ёрдамчи феъл вазифасида иштирок этади. Шу ўринда “ёрдамчи феъл” терминига алоҳида тўхталмоқчи эдик. Чунки ўзбек тилидаги “Форс тили” дарсликларига (масалан, М. Абдусаматовнинг “Форс тили” дарслиги) мазкур ҳолат учун “кўмакчи феъл” термини ишлатилади. Бироқ “Ўзбек тили грамматикаси” (Т.: Фан, 1975. Б.366) китобида, шунингдек, “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” (Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. Б.39)да ёрдамчи феъллар ўз вазифасига кўра уч турга бўлинади: 1) кўшма феъл ҳосил қилувчи ёрдамчи феъллар: қил, айла, эт, бўл; қабул қилмоқ, руҳсат этмоқ каби; 2) феълнинг аналитик шаклини

ҳосил қилувчи ёрдамчи феъллар (булар одатда кўмакчи феъллар деб юритилади): бошла, чиқ, юбор ва б.: кела бошлади, ўқиб чиқдим, сўраб кўр, йиқитиб юборди каби; 3) боғлама вазифасини бажарувчи кўмакчи феъл. Мас., бўл: инженер бўлмоқ. Келтирилган фикрга таянган ҳолда мақолада “ёрдамчи феъл” терминида фойдаландик. Чунки етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлар ўз хусусиятлари билан кўшма феъллардан ҳам, сўз бирикмаларидан ҳам фарқ қилади. Уларни, ўз хусусиятларига кўра, феълнинг аналитик формаси деб қараш керак бўлади.

Тўпланган материаллар таҳлили бир кўшма феъл таркибида ёрдамчи феъл вазифасида ҳам префиксли, ҳам содда феъл ишлатилиши мумкинлигини, уларнинг мазкур вазифада ўзаро синоним бўла олишини кўрсатди:

گام بر داشتن = گام زدن “қадам ташламоқ”;

عكس بر داشتن = عكس گرفتن “суратга олмоқ”;

ميدان باز گشودن = ميدان دادن “шароит яратмоқ”;

طبل فرو كوچتن = طبل زدن “дўмбира чалмоқ”;

نفس در كشيدين = نفس زدن “нафас олмоқ”;

به رشته در آوردن = به رشته كشيدين “(ипга) ўтказмоқ”, “шода қилмоқ”;

رو بر گرفتن = رو تافتن “тескари ўгирилмоқ”; “юзини тескари ўгирмоқ”.

Кўшма феъллар префиксли ва отдан ясалган феъллар каби муайян бир ҳаракатни билдиради (5, 121). Уларнинг шаклланиши ўрта форс тили давридан бошланади ва тилнинг ҳозирги босқичида микдор жиҳатидан устунлиги шубҳасиз.

Содда феълларни “парчалаш” орқали ясалган кўшма феъллар. Форс тилида содда феълларни “парчалаш”, “бўлиш” орқали кўшма феъллар ясалади. Уларни феъллий перифраза (ёки parafraza — юн. paraphrases — тасвирий ифода, тасвир)лар деб аташ мумкин. Бундай кўшма феълларнинг биринчи компоненти сифатида ўша асос қилиб олинган феълнинг (ўзак) негизи, сифатдош шакли, ҳаракат номи хизмат қилади. Мазкур кўшма феълларни уларнинг ясалишига асос бўлган содда феъллар билан ўзаро семантик муносабатига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

От (ва сифат)дан ясалган феълларнинг ясовчи асоси + ёрдамчи феъл модели.

Кўшма феълнинг от қисми отдан ясалган феълларнинг ясовчи асосидан иборат:

نام دادن — ناميدن “номламоқ”, “атамоқ”;

طلب كردن — طلبيدن “талаб қилмоқ”;

رقص كردن — رقصيدن “рақсга тушмоқ”;

جنگ كردن — جنگيدن “жанг қилмоқ”, “урушмоқ”;

انجام كردن — انجاميدن “тугатмоқ”, “тамомламоқ”;

پناه بردن — پناهيدين “яширинмоқ”, “паноҳ топмоқ”;

لنگ شدن — لنگيدن “оқсамоқ”;

خاموش شدن — خاموشيدين “жим бўлиб қолмоқ”;

چرخ خوردن — چرخيدن “айланмоқ” каби.

Баъзан кўшма феълнинг от қисми б-е предлогини қабул қилади:

انجام رساندن — به انجاميدن “тугатмоқ”, “тамомламоқ” каби.

(بنا بر ماهيبت طبقاتی شان کارشکافی می کنند و امتياز می طلبند (اطلاعات

“Синфий моҳиятларига асосланиб, ишдан бўйин товламоқдалар ва имтиёз талаб қилмоқдалар”).

(توجه و تأكيد بیشتر برای سرمایه گذاری های جدید را طلب میکند (اطلاعات

“Янги сармоя маблағлари учун кўпроқ диққат-эътибор талаб қилади”.

Содда ва префиксли феълларнинг ўтган замон сифатдоши + ёрдамчи феъл модели

Кўшма феълнинг от қисми содда ва префиксли феълларнинг ўтган замон сифатдошидан иборат:

“аралаштирмоқ” — *آمیختن — آمیخته کردن*;

“қалтирамоқ” — *لرزیدن — لرزیده خوردن*;

“эритмоқ” — *گداختن — گداخته کردن*;

“яроқсиз деб топмоқ”; “рад қилмоқ”;

“амалга оширмоқ” каби. *بر آوردن — بر آورده کردن*

هو از انتظار کشیدن برای بهبود اوضاع خسته شده بود. (كى پنییر مرا جابجا کرد؟ ص

14(

“Хув (исм) аҳвол яхшиланишини кутиб ўтиравиришдан чарчаганди”.

(قاسم ا فرستادم همه چیز هارا آماده کند (ص. هدایت

“Қосимни ҳамма нарсани тайёрлаш учун жўнатдим”.

ممنونم فرهاد که آخرین آرزوش رو بر آورده کردی! (مؤدب پور. پریچهر، ص. 601

“Хурсандман, Фарход, охирги орзусини рўёбга чиқардинг!”

Содда феълнинг ҳозирги замон негизидан ясалган • - суффиксли от + ёрдамчи феъл модели

Кўшма феълнинг от қисми содда феълнинг ҳозирги замон негизи+ -е суффикси модели асосида ясалган отлардан иборат ва кўшма феълнинг ўзи ясалишга асос бўлган содда феълга синонимдир:

“кулмоқ” — *خندیدن — خنده کردن*;

“йиғламоқ” — *به گریه افتادن (گریستن — گریه کردن*;

“инграмоқ”; “нола қилмоқ”; *نالیدن — ناله کردن*;

“безатмоқ”; *پیراستن — پیرایه کردن*;

“фйкхламоқ”; “ўйламоқ”; *اندیشین — اندیشه کردن*;

“йўталмоқ”; *سرفیدن — کردن سرفه*;

“ўпмоқ”; *بوسیدن — بوسه کردن*;

“ҳисобламоқ” каби. *شماردن — شماره کردن*

(اگر ربابه گریه می کرد او نیز می گریست و همچنین ر عکس (ص. هدایت

“Агар Рабобе йиғласа (йиғлагудек бўлса), у ҳам йиғлар ва аксинча”.

در حالی که به دروغ سرفه می کردم، گریه کردم (مؤدب پور. پریچهر، ص. 508

“Ёлғондан йўталганча йиғладим”.

Содда феълнинг ҳозирги замон негизидан ясалган -eş суффиксли от + ёрдамчи феъл модели

Кўшма феълнинг от қисми содда феълнинг ҳозирги замон негизи+ -eş суффикси модели асосида ясалган отлардан иборат ва кўшма феълнинг ўзи ясалишга асос бўлган содда феълга синонимдир:

“интилмоқ”; “мойил бўлмоқ”; *گراییدن — گرایش کردن*;

“пухта ўйламоқ”; “чуқур мулоҳаза қилмоқ”; *سنجیدن — سنجش کردن*;

“оқмоқ”; “оқиб чиқмоқ”; *ریختن — کردن ریزش*;

“айланмоқ”; “сайр қилмоқ”; *گردیدن — گردش کردن*;

“синамоқ”; “текширмоқ”; *آزمودن — آزمایش کردن*;

“ясатмоқ”; “безатмоқ”; *آراستن — آرایش کردن*;

“мақтамоқ”; *ستودن — ستایش کردن*;

“ҳаракат қилмоқ” каби. *کوشیدن — کوشش کردن*

(از طرف دیگر پولیس و نیروهای ملی نیز بر فعالیت های خود افزوده اند (اطلاعات

“Бошқа тарафдан полиция ва миллий кучлар ўз фаолиятларини оширдилар”.

شاخه اندونزیایی شرت نفتی امریکا در نظر دارد تولید روزانه خود را به 820 هزار (اطلاعات بيشکه افزایش دهد)

“Америка нефт компаниясининг Индонезия филиали кундалик ишлаб чиқаришни 820 минг баррелга оширишни назарда тутади”.

Маъно жиҳатидан бир-бирига яқин ёки синоним сўзларни ۋ -о- тенг боғловчиси орқали бирикуви + ёрдамчи феъл модели

Қўшма феълнинг от қисми маъно жиҳатидан бир-бирига яқин ёки синоним сўзларни ۋ -о- тенг боғловчиси орқали бирикувидан иборат. Бунда бирикманнинг таркибий қисмларидан бири содда феълдан ясалган ва қўшма феъл мазкур содда феълга синоним бўлади:

“ҳаракат қилмоқ”; — كوشش — كوشيدن

“йиғламоқ”, “хўнграб йиғламоқ”; — گريه و ناله كردن — گريستن , ناليدن

“сакрамоқ” каби. — جست و خيز كردن — جستين

اگرچه از سازهای معمولی بزودی خسته و كسل می شد (شاهكارهای نثر فارسی

(معاصر، ص. 7

“Гарчи у одатий мусикалардан тез чарчаса-да (чарчарди)...”.

خالد، يحييا، فضل و جعفر همه جواهر های گرانبها و پول های سرشاری مثل ريگ نثار عربها كردند و به هر شاعر ...ثروت های هنگفت بذل و بخشش كردند (شاهكارهای نثر فارسی

(معاصر، ص. 125

“Холид, Яхё, Фазл ва Жаъфар барча қимматбаҳо жавохирлар ва катта пулларни арабларга кумдек тортиқ қилдилар ва ҳар бир шоирга ... сон-саноксиз бойликлар инъом этдилар”.

Содда феълнинг ҳозирги замон сифатдоши + ёрдамчи феъл модели

Қўшма феълнинг от қисми содда феълнинг ҳозирги замон сифатдошидан иборат. Қўшма феълнинг ўзи эса сифатдош ясалган содда феълга синоним бўлади:

“қулмоқ”; — خندان شدن

“осиб қўймоқ”; — اويختن — آويزان كردن

“қўркмоқ”; — ترسيدن — ترسان شدن

“қўркмоқ”, “чўчимок”, “вахимага тушмоқ”; — هراسيدن — هراسان شدن

“қўрқитмоқ”; — هراسان كردن (ساختن

“қочмоқ”; — گريختن — گريزان شدن

“гулламоқ”; — شكفتن — شكفان شدن

“кетмоқ”, “жўнамоқ”; — رفتن — روان شدن

“ўрсатмоқ” каби. — نمودن — نمايان كردن

(چقدر طلا و جواهر به خودشان آويزان می كردند (مؤدب پور. پريچهر، ص. 566...

“... (Ўзларига) қанча тилла-ю жавохир тақардилар”.

(من هر جا كه باشم، تورو دوست دارم و برات نگرانم (مؤدب پور. پريچهر، ص. 568

“Мен қаерда бўлсам ҳам, сени яхши кўраман ва сен учун қайғураман”.

Содда ва префиксли феълларнинг ўтган замон негизи + ёрдамчи феъл модели

Қўшма феълнинг от қисми содда феълнинг ўтган замон негизидан иборат ва қўшма феълнинг ўзи ясалишга асос бўлган содда феълга синоним бўлади:

“сотиб олмақ”; — خريدن — خريد ردن

“тўқимоқ”; — بافتن — بافت كردن

“қўринмоқ”; — نمودن — نمود كردن

“яшамок”, “хаёт кечирмоқ”; — زيستن — زيست كردن

“сакрамоқ” каби. — جستين — جست زدن

(سوھان تو دستش کوچک می نمود (چوبک. تنگسیر، 1342
“Эгов унинг қўлида кичкина кўринарди”;
تقریباً در حدود چهل یا بیشتر از سنش می گذشت ولی روی هم رفته جوانتر نمود کرد
(ص. هدایت)
“У қирқ ёки ундан ортиқ ёшларда, аммо, умуман олганда, ёш
кўринарди”.
از همین رو سازمان بهینه سازی مصرف سوخت کشور به تمام ... یارانه پرداخت می
کند. (همشهری، 3845، ص. 14)
“Шу сабабли мамлакат ёқилғи сарфлашни яхшилаш (тартибга
солиш) ташкилоти барча ... га компенсация тўлайди”.
سوخت های مورد استفاده در اینگونه نیروگاه ها بر خلاف اورانیوم و ... در طبیعت به
فراوانیافت می شود. (همشهری، 3845، ص. 7)
“Бундай станцияларда ишлатиладиган ёқилғи, уран ва ... га
қараганда, табиатда кўплаб учрайди”.
(وانمود کرد که خوشحاله (مؤدب پور. پریچهر، ص. 98
“Ўзини хурсанд қилиб кўрсатди”.

Содда феълнинг ҳозирги замон негизи + ёрдамчи феъл модели

Кўшма феълнинг от қисми содда феълнинг ҳозирги замон негизидан иборат ва кўшма феълнинг ўзи ясалишга асос бўлган содда феълга синоним бўлади:

“озор бермоқ”, “хафа қилмоқ”;
“алдамоқ”, “фириб бермоқ”;
“иҷмоқ”, “тотмоқ” каби.

Баъзан кўшма феълнинг от қисми бе олд қўмакчисини қабул қилади:

“қайнамоқ”; “ҳаяжонланмоқ” каби.

Бермайдиданم، آیا این کشی در بنادر دیگر هم ایست می کند؟ (ص. هدایت. سگ ولگرد
ص. 160-161)

“Илтимос (марҳамат қилиб айтолмайсизми), билсам бўладими,
бу кема бошқа портларда ҳам тўхтайдими?”

Содда феълнинг ҳам ўтган, ҳам ҳозирги замон негизлари + ёрдамчи феъл модели

Кўшма феълнинг от қисми содда феълнинг ҳам ўтган, ҳам ҳозирги замон негизларидан тузилган бўлиши мумкин:

“қидирмоқ”;
“сўхбатлашмоқ”;
“пиширмоқ”;
“супурмоқ”.

“гапирмоқ”, “сўхбатлашмоқ”;
“пиширмоқ”;
“супурмоқ”.

“супурмоқ”.

“супурмоқ”.

هیچیک از زبانهای ادبی که دانشمندان می شناختند و اثبات اصالت آنها دلیل و برهان
(می جستند (پ.ن.خانلری

“Олимлар билган ва унинг асллигини исботлаш учун далил ва асослар излаган ҳеч бир адабий тил... “.

و در انس و علاقه آنها صادقی احساسات و مهربانی که در زندگی از آن محروم مانده
(بود جستجو می کرد (ص. هدایت

“Уларнинг меҳр-муҳаббатидан ҳаётда маҳрум бўлган ҳис-туйғулар ва меҳрибонлик садоқатини изларди”.

Юқорида келтирилган содда ва кўшма феъллар ҳаракатни турли даражада ифодалашлари мумкин, бироқ бир ҳаракатни билдирганлари (денотатив маъноси бир хил) учун синонимлар ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, келтирилган баъзи содда феъллар ўзларининг лексик маъноларига кўра ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъл

сифатида қўлланилади. Бундай феъллардан қўшма феъл ясалганда, ўтимли-ўтимсизлик маъносини ифодалаш учун турли ёрдамчи-ясовчи феъллар қўлланилади:

каاهش, “камаймоқ”, “камайтирмоқ” — کاهش یافتن “каستن”; “камайтирмоқ”; دادن “камайтирмоқ”;

ريزش کردن — “оқизмоқ, қуйилмоқ”; “оқизмоқ, қуйилмоқ” — “оқмоқ”;

“тугатмоқ, тамом қилмоқ”; “тугамоқ, тамом бўлмоқ” — انجامیدن “тамом бўлмоқ”; انجام یافتن “тамом қилмоқ”; انجام دادن

آزردن “озор бермоқ”, “хафа қилмоқ”; “хафа бўлмоқ”, “ранжимоқ” — آزار دادن (рсандن) — “озор бермоқ”, “ранжитмоқ”; آزار دیدن “хафа бўлмоқ”, “ранжимоқ”; (کشیدن)

فريب “алдамоқ”, “фириб бермоқ” — فريب دادن “алданмоқ” каби. خوردن

Масалан:

(از اين رو ... از فعاليت درسى و آموزشى خود مى كاهد (اطلاعات، 18.05.1999 “Шу сабабли ... у ўз ўқув фаолиятини қисқартиради”;

نخستين تأثير هورمون كم كردن توانايى سلولهاى عصبى... در استفاده از گلوکز است (اطلاعات علمى، 10، 1995)

“Глюкозадан фойдаланишда гормонларнинг биринчи таъсири нерв тўқималарининг кувватини камайтириш...дан иборат, шу тартибда қон айланиш жараёни қисқаради”;

درىكى از آزمايش ها شخص شده است كه سرزنش ملايم رفتار مخرب را کاهش مى دهد (اطلاعات، 25.04.1999)

“Таърибалардан бирида енгил (мулоимлик билан берилган) танбеҳ ноҳўя хатти-ҳаракатларни камайтириши аниқланди”.

Албатта, юқорида келтирилган содда ва улардан ясалган қўшма феълларнинг синонимлик даражаси бир хил эмас. Улардан баъзиларининг маънолари ўзаро тўлиқ бир-бирига мос тушса (рқвидн) — خنديدن, “сотиб олмоқ”, “хрийдн — خريد کردن, “рақсга тушмоқ”, “рқс کردن — “кулмоқ” каби), айримларининг маънолари баъзи жиҳатлардагина тенглашади (نگران بودن) — “қарамоқ”, “назар солмоқ”, бироқ “безовта бўлмоқ”, “хавотир бўлмоқ”, “қайғурмоқ” маъноларига ҳам эга. Қиёсланг: ماليدن “ишқамоқ”, “ишқаламоқ”; “суркамоқ” — 1 “ишқамоқ”, “ишқаламоқ”; “суркамоқ”; 2) “бекор қилмоқ”, “кучдан қолдирмоқ”, “жим бўлмоқ”, “жамуш شدن 1 — “жим бўлмоқ”, “жимиб қолмоқ” — 2) “жамуш شدن 1 — “жимиб қолмоқ”; “жамуш شدن 2) “ўчмоқ”, “сўнмоқ”).

که با آن کاربران مى توانند به جست و جويى اطلاعات مورد نظر در هارد ديسک ... (جام جم، 96 ، ص. 4

“...-ган ҳолда, фойдаланувчилар ўз компьютерлари қаттиқ дискида керакли маълумотни кидириш имкониятига эга бўладилар”.

سازمان بهينه سازى مصرف سوخت کشور به تمام متقاضيان خودرو هاى شخصى و (عمومى ... يارانه پرداخت ميکند. (همشهري، 3845، ص. 8

“Мамлакатёқилғи ишлатилишини тартибга солиш ташкилоти барча шахсий ва жамоат транспорти эгаларига мукофот тўлайди”.

منظور اورا در يافتم

“Унинг мақсадини тушундим”.

و نگارنده اگر حق التحريرى بابت اين مطالب دريافت مى کند، بدون شک حرام است ... (همشهري، 3845، ص. 6

“... ва муҳаррир агар бу иш учун ҳақ олса, шубҳасиз, ҳаромдир ва уни еб бўлмайди”.

Исм + ёрдамчи феъл типидagi қўшма феъллар

Бу типдаги қўшма феълларга от, сифат, равиш, олмош ва бошқаларнинг ёрдамчи-ясовчи феъл билан бирикувидан ҳосил бўлган феъллар киради. Асосий маъно, яъни лексик маъно феълнинг от қисмида ифодаланади. Ёрдамчи-ясовчи феъллар десемантизация (маъносизланиш)нинг турли сатҳларида бўлади. Масалан, چاره انديشيدن (جستن) “чора ахтармоқ”, تمام كردن “тамомламоқ” каби феълларда ёрдамчи феъл ўз лексик маъносини сақлаб қолган; كار كردن “ишламоқ”, حرف زدن “гапирмоқ” феълларида ёрдамчи феъл ўз маъносини йўқотган.

Қўшма феъл от қисмининг олд кўмакчи билан қўлланилиши унинг структур ва семантик хусусиятларига ўз таъсирини ўтказди. Шу сабабли рус эроншуносларининг қўшма феъллар таҳлилига оид ишларида улар олд кўмакчили ва олд кўмакчисиз қўшма феълларга бўлиб ўрганилган (7, 219–229). Бироқ мақоламизда от қисм+феъл компоненти (яъни ёрдамчи-ясовчи феъл) қолипидаги феълларга умумий тавсиф бериш билан чекландик.

Икки компонентли қўшма феъллардан ташқари, ёйиқ от таркибли феълли бирикмалар ҳам кўпчиликни ташкил этади, масалан: ضربه وارد آوردن “зарба бермоқ” каби.

Қўшма феъллар ва кўп компонентли феълли бирикмаларнинг аксарият қисми идиомаларга (маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи ихчам иборалар) оиддир ва қисмларга бўлинмайдиган фразеологик бирликларни ташкил этади: دست داشتن “моҳир бўлмоқ”, “уста бўлмоқ”, دل دادن “қўнғил қўймоқ”, جگر داشتن “журъатли бўлмоқ”, جان نثار كردن “жон фидо этмоқ”, “жонини қурбон қилмоқ” каби.

Демак, от таркибли қўшма феъллар от қисм+феъл компоненти (яъни ёрдамчи-ясовчи феъл)дан иборат бўлади. От қисми турли сўз туркумларига мансуб бир ёки ундан ортиқ маънога эга бўлган сўзлар — лексемалар ташкил этади. Бу сўзлар туб форсий ҳамда четдан кириб келган сўзлар бўлиши мумкин.

От қисми от сўз туркумига оид сўзлар билан ифодаланган қўшма феъллар энг катта гуруҳни ташкил этади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, отларнинг барча турлари қўшма феъл ясаилишида иштирок этади. Лекин бу ҳамма отлар ёки отларнинг семантик группаси қўшма феъл ясайди, деган гап эмас. Масалан, кишилар, ҳайвон ва ўсимликларни ифодаловчи отлар, одатда, қўшма феълнинг от қисми вазифасида ишлатилмайди. Қўшма феъл таркибидаги мавҳум от вазифасида араб масдарларидан иборат ҳаракат маъносидаги сўзлар энг кўп қўлланади:

استفاده “фойдаланиш” — استفاده كردن “фойдаланмоқ”;

ترميم “ремонт”, “тузатиш” — ترميم كردن “ремонт қилмоқ”.

Шунингдек, туб форсий сўзлардан:

نگهدارى کردن — “қўриқлаш”, “ҳимоя қилиш”, “муҳофаза” — نگهدارى کردن “қўриқламоқ”, “ҳимоя қилмоқ”, “муҳофаза қилмоқ”;
آزار دادن — “озор”, “азоб” — آزار دادن “озор бермоқ”.

Қўшма феъллар от қисми вазифасида келувчи конкрет отлар ичидан одам ва ҳайвон органлари, кундалик турмушда ишлатиладиган асбоб-қуроллар, предметларни ифодаловчи сўзларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Бунда қўшма феъллар, одатда, ана шу орган ёки предметлар воситасида бажариладиган иш-ҳаракатни билдириб келади:

دست زدن “қўл урмоқ”, “тегмоқ” (دست “қўл”);

چشم انداختن “қарамоқ”, “кўз ташламоқ” (“кўз” چشم);

“Иқтисод ва жаҳон бозори билан интеграциялашув жараёни шу минтақалар орқали назорат қилинади”.

و بانکها با خرید سهام ارزان شده هم خود از یک سرمایه گذاری با بازدهی مطلوب ...
(همشهری، 3845، ص. 11)

“... ва банклар арзонгаров акцияларни сотиб олишнинг ўзи билан ҳам, фойдали бир инвестицияга эга бўлдилар”.

شوهر زن سالخورده که شاهد عینی وقوع حادثه است از سوی بازپرس پرونده تحت ...
(همشهری، 3845، ص. 11)

“Воқеага шахсан гувоҳ бўлган кексатурмуш ўртоғи жиноят ишини олиб бораётган терговчи томонидан сўроққа тугилди”.

و تا ساعت 6 بامداد دیروز پلیس آگاهی موفق به بازداشت همه کسانی شد که در ...
(همشهری، 3845، ص. 21)

“... ва кеча тонгги соат 6 гача полиция ходимлари қонли низоларда барча иштирок этганларни қўлга олишга эришдилар”.

Ўзаро алоқада бўлган халқларнинг тиллари бир-бирига таъсир этиши, бир-бирини бойитиши учун хизмат қилиши, бундай ўзаро таъсир, айниқса, лексикада самарали бўлиши маълум. Халқларнинг ўзаро алоқалари, тилларининг бир-бирига таъсири турли даврларда, турли шароитда ўзига хос кўринишда, турли даражада бўлади. Бундай ўзаро таъсир айрим даврларда кучсиз даражада бўлса, бошқа бир даврда сезиларли васамаралитарзда бўлади.

Форс тили луғат таркибида араб тилидан ўзлашган сўзлар катта қатламни ташкил қилади. Л.С.Пейсиковнинг кўрсатишича, Яқин ва Ўрта Шарқ тилларидан форс тили арабий ўзлашмалар жиҳатидан биринчи ўринда туради (4, 35). Бу таъсир тилнинг барча сатҳларини қамраган. Арабий ўзлашмалардан ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқда кенг фойдаланилади.

Тилшунос олим Л.А.Булаховскийнинг фикрича, ўзга тилдан от, сифат, сон сўз туркумига оид сўзлар кўпроқ қабул қилинади, баъзан ундовлар, камдан-кам ҳолларда равиш, олмош ва феъллар ўзлаштирилади (2, 118–119). Бироқ форс тили феъл тизимининг шаклланиш хусусиятлари ва феъл фразеологик бирликларининг имкониятлари ўзлашма сўзларнинг феъл ясалишидаги муҳим ўрнини белгилашга имкон беради. Чунки четдан ўзлашган от, сифат, ҳаракат-ҳолат отлари содда ва қўшма феъллар ясалиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Форс тилида арабий ўзлашмалар орқали ясалган содда феъллар маълум (طلب — طلبیدن, فهم — فهمیدن, رقص — رقصیدن, قاپ — قاپیدن, غارت — غارتیدن). Европа тилларидан ўзлашган сўзлар миқдор жиҳатидан арабий ўзлашмалардан сўнг иккинчи ўринни эгалласа-да, улардан содда (отдан ясалган) феъллар ясалмайди (3, 51). Чунки европа тилларидан ўзлашмаларнинг кириб келиши форс тилида отдан феъл ясалиши жараёни тугалланиб, қўшма феъллар феъл ясалишининг асосий усулига айланган даврга тўғри келади (1, 33).

Маълумки, араб тилидаги сўзларнинг катта қисми феъл ўзақларидан ясалган. Форс тилига, асосан, араб феъллари эмас, балки уларнинг ясалмалари, биринчи навбатда, масдар ва сифатдошлар кириб келган. Араб лексикаси форс тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўзларга нисбатан алоҳида хусусиятларга эга ва бу, аввало, боблар билан боғлиқ.

Форс тилида араб тилидан ўзлашган сўзлар орқали қўшма феъл ясалиши маҳсулдор:

(برگشتن, پس آمدن) “қайтмоқ” (مراجعة کردن);

(اندیشیدن, پنداشتن, گمان کردن) “фйкхламоқ”, “ўйламоқ” (فکر کردن);

(دانستن، خبر داشتن) “билмоқ”, “хабардорбўлмоқ” (син. نوشتن, نگاشتن);
(نوشتن, نگاشتن) “ёзмоқ” (син. مرقوم داشتن);
(نگاه کردن, نگرستن) “қармоқ”, “қарамоқ” (син. نظر کردن);
, پرس و جو کردن) “сўраб (суриштириб) билмоқ” (син. پرسیدن).

аگر پسران جوان بسیاری از وقت مربوط به اوقات خود را در کوچه و خیابان ها صرف میکنند، ... (همشهری، 2006، 2684، ص.1)

“Агар ёш болалар ўзларининг кўплаб бўш вақтларини кўча ва хиёбонларда ўтказсалар، ...”.

بر اساس این گزارش دیروز شاخص سهام ... ، نفت و پتروشیمی 27 واحد افت را تجربه کردند (همشهری 3845، ص.9)

“Бу маълумотга кўра، ...، нефть ва нефть химияси акциялари кўрсаткичида 27 бирлик пасайиши кузатилди”.

سقف این ورزشگاه بزرگ توسط یک طراح معروف اسپانیا به نام طراحی شده است (همشهری 2259، 2005)

“Бу улкан стадионнинг томи машҳур испаниялик архитектор томонидан лойиҳалаштирилган”.

پیوند دانشگاه داخلی و خارجی را توصیه می کنیم (همشهری 3433، ص.10)

“Ички ва хорижий университетни бирлаштиришни тавсия этамиз”.

او همچنین از پرداخت سهم 25 درصدی دولت در مورد قطار سریع السیر مشهد و تهران خبر داد (همشهری، 3845، ص.22)

“Шунингдек، у Машҳад-Техрон тезюар поезди учун 25 фоизли давлат бюджети ажратилишини маълум қилди”.

مکان یابی این پل به صورتی ست که در بهترین منطقه برای ساخت یک پل واقع شده است (همشهری، 3845، ص.11)

“Бу кўприк، бир кўприк қурилиши учун энг яхши، энг қулай ерда жойлашган”.

و در این رفت و برگشت از بازار باید نیاز جدید را تعریف کند (همشهری 3433 ... ص.8)

“... ва бу қатнашда (бориш-келишда) бозордаги янги эҳтиёжларни айтишкерак”.

Форс тилида ўзи мустақил ҳолда қўлланмай، фразеологик феълли бирикмаларнинг от қисми вазифасидагина ишлатилувчи араб сифатдошлари бор. Масалан، منحصر، مصدر، منتشر، متذكر، مستلزم، منجر، مستلزم، منتشر، متذكر، صادر، منحصر، مصمم، Масалан، Булар ёрдамчи феъллар билан биргаликда қўшма феълларни ҳосил қилади:

“тугамоқ”; منجر شدن

“лозим бўлмоқ”; مستلزم بودن

“нашр қилинмоқ”; منتشر شدن

“нашр этмоқ”; منتشر کردن

“таъкидламоқ”; “эслатмоқ”; متذكر شدن

“чиқармоқ”; “эълон қилмоқ”; صادر کردن

“бирор натижага олиббормоқ”; منحصر بودن

“қарор қилмоқ”; “журъат этмоқ”; مصمم شدن

“қатъиятли қилмоқ” ва ш.к. مصمم کردن

Мазкур араб сифатдошлари гапда унинг мустақил бўлаги бўла олмайди ва одатда ёрдамчи феъл билан қўлланади. Бироқ қўшма феъл таркибидаги барча сифатдошлар ҳам бу хусусиятга эга бўлавермайди. Масалан، مشکل “қийинлаштирмоқ” қўшма феълда مشکل “мушкул”، “қийинчилик” маъносида мустақил қўлланади:

به دست آوردن دل کار مشکل است (یحيا سبک)

“Қалбни (қўнгилни) забт этиш қийи нишдир”.

وضعیّت را خیلی مشکل کرد

“Вазиятни жуда қийинлаштирди”.

От қисми арабий ўзлашмалар — турли боб масдарлари ва сифатдошларидан иборат қўшма феъллар энг катта гуруҳ саналади. Бир ўзакдан ясалган араб масдар ва сифатдошлари ёрдамчи феъллар билан бирикиб, қўшма феълларнинг синонимик қаторини ташкил этади. Масалан:

“бошдан кечирмоқ”; تحمل کردن, متحمل شدن;
“баҳс қилмоқ”; بحث کردن, مباحث بودن;
“нашр қилмоқ”, “чоп эттирмоқ”; انتشار دادن, نشر کردن, منتشر کردن;
“ўтказмоқ”; انتقال کردن, نقل کردن, منتقل کردن;
“хабар бермоқ”; اطلاع دادن, مطلع کردن;
“ишонмоқ” каби. مطمئن بودن, اطمینان داشتن.

Бундай қўшма феълларнинг от қисми бир ўзакдан ясалган ва маънолари аксарият ҳолларда ўзаро мос келса-да, улар бир қўшма феълнинг вариант шакллари ҳисобланмайди. Сабаби, биринчидан, қўшма феълларнинг асосий қисми “от қисм+ёрдамчи феъл” типиде тузилган. Бироқ кўпгина қўшма феъллар таркибида олд кўмакчи иштирок этади (5, 121). Форс тилида қўшма феъллар ясашиши учун бошқа қолиплар мавжуд эмас.

Бу ўринда кўп таркибли феълли фразеологизмларни фарқлаш лозим. Улар қўшма феъллар каби ҳаракат-ҳолатни билдиради, бироқ улардан фарқли мураккаб структур-семантик ясалмалар ҳисобланади (2, 129). Иккинчидан, от қисми бир ўзакдан ясалган сўзлар ташкил этади ва бу сўзларнинг бирламчи маънолари ўзгарган (6, 806). Улар мустақил маънога эга ва бу феълнинг семантик структурасида акс этади. Бундан ташқари, қўшма феъл маъносининг шаклланишида ёрдамчи феъл ҳам аҳамиятга эга.

Мисоллар:

سير تبديل و انتقال ايده ها و افكار به کالا های تجاری، ... بخش عمده ای از چرخ اقتصاد را تقویت کند (همشهری، 2006، 3845، ص.6)

“Ғоя ва фикрларнинг тижорат маҳсулига айланиши ва алмашилиши ... иқтисодий айланманинг асосий соҳаларини кучайтиради”.

متقاضیان جهت دریافت فرم مزایده و لیست های مربوطه مراجعه ... فرمایند(همشهری، 3845، ص.24)

“... талабгорлар тендерда иштирок этиш анкеталари ва бошқа керакли қоғозларни олиш учун ... мурожаат этишлари мумкин”.

بند د ماده 18 نیز مقرر می کند ... (همشهری 3845، ص.16)

“18-модданинг Д-бандида ҳам кўрсатилдики, ...”.

شرکتش داشت با ورشکست مواجه میشد(کی پنییر مرا جابجا کرد، ص.76)

“Унинг корхонаси инқирозга юз тутиб борарди”.

در این جریان ... شاخص مالی نیز که مدتی بود در مقابل کاهش مقاومت می کرد، در پایان معاملات با 99 واحد افت مواجه شد (همشهری، 3845، ص.17)

“Бу жараёнда ... бир қанча муддат камайишга қаршилиқ қилиб турган молиявий кўрсаткичнинг, операциялар якунида 99 бирлик билан пасайиши кузатилди.

در این میان حد فاصل آن افت و آن جهش درآمدی طبقه متوسط مشخص می شود (اطلاعات، 2259، ص.7)

“Бу орада ўрта табақа даромадининг бундай кўтарилиши (сақраши) ва пасайишини чеклаш даражаси (чизиғи) аниқланади”.

...در حال حاضر از این عناصر در ساخت بمب های هییدروژنی استفاده می شود (همشهری، 3845، ص.7)

“Ҳозирда бу элементлардан водород бомбаси ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда”.

орасида грамматик алоқа бўлмайди (грамматик белги) ва қўшма сўз бир маъно ифодалайди (семантик белги). Қўшма феълларда келтирилган белгилардан фақат семантик хусусиятни кўрамиз. Қўшма феъллар, феълнинг барча семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларига эга, бироқ у қўшма сўз эмас, балки таркибий қисмлари мустақиллигини сақлаб қолган турли даражадаги турғун феълли бирикмалардир.

3. Қўшма феълларнинг ясалиш структурасини текшириш уларни икки гуруҳга ажратиш имконини берди:

А) Содда феълларни “парчалаш” орқали ясалган қўшма феъллар;

Б) Исм + ёрдамчи феъл типидagi қўшма феъллар.

Содда феълларни “парчалаш” орқали ясалган қўшма феълларнинг 9 модели аниқланди. Бироқ қўшма феълларнинг асосий қисми “от (исм) + феъл” типидagi фразеологик модел асосида ясалиши аниқланди.

4. Тўпланган материаллар таҳлили бир қўшма феъл таркибида ёрдамчи феъл вазифасида ҳам префиксли, ҳам содда феъл ишлатилиши мумкинлигини, уларнинг мазкур вазифада ўзаро синоним бўла олишини кўрсатди:

گام بر داشتن = گام زدن “қадам ташламоқ”;

عكس بر داشتن = عكس گرفتن “суратга олмоқ”.

5. Содда феълларни “парчалаш” орқали ясалган қўшма феъллар таҳлилида содда ва улардан ясалган қўшма феълларнинг синонимлик даражаси бир хил эмаслиги маълум бўлди. Улардан баъзиларининг маънолари ўзаро тўлиқ бир-бирига мос тушса (رقصيدن — رقص کردن) “рақсга тушмоқ”, خریدن — خرید کردن “сотиб олмоқ” каби), айримларининг маънолари баъзи жиҳатлардагина тенглашади (نگران بودن — نگرستن “қарамоқ”, “назар солмоқ”, бироқ نگران بودن феълининг “безовта бўлмоқ”, “хавотир бўлмоқ”, “қайғурмоқ” маъноларига ҳам эга; خاموشيدن “жим бўлмоқ”, “жимиб қолмоқ” — خاموش شدن “жим бўлмоқ”, “жимиб қолмоқ”; 2) “ўчмоқ”, “сўнмоқ”).

6. От қисми от сўз туркумига оид сўзлар билан ифодаланган қўшма феъллар энг катта гуруҳни ташкил этади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, отларнинг тақрибан барча турлари қўшма феъл ясалишида иштирок этади. Ҳозирги форс тилида қўшма феъллар от қисми вазифасида аввалги тадқиқотларда қайд этилмаган атоқли отлар, баъзи ўсимлик номлари, ясама сўзларнинг қўлланилаётгани қўшма феъл ясалиш жараёни фаоллашувини кўрсатади.

7. Араб тилидан ўзлашган сўзлар икки ва ундан ортиқ компонентли қўшма феъллар таркибида энг кўп учрайди. Бундай феъллар модели арабча ўзлашма+форсча феъл шаклида бўлиб, от қисм вазифасида арабий масдарлар, сифатдошлар, изофали ва олд кўмакчили бирикмаларни учратиш мумкин.

8. От қисми арабий масдар билан ифодаланган қўшма феълларда I, II, III, IV ва X боб масдарлари орқали феъл ясалиши сермахсул.

9. От қисми арабий сифатдош билан ифодаланган қўшма феълларда I, II, IV ва X бобларнинг ҳам аниқ, ҳам мажхул нисбат сифатдошлари иштирок этади; III боб орқали феъл ясалиши умуман кузатилмайди. Аниқ нисбат сифатдошларининг деярли барча боб шакллари (III бобдан ташқари) қўшма феъллар от қисми таркибида қўлланилади.

10. Материалларимиз таҳлилида европа тилларидан ўзлашган сўзлар орқали феъл ясалиши кам учради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимджанова Д.А. Синонимия глагольной лексики персидского языка: Дисс. кандидата филологических наук — Т., 1997. — 21 с. — URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01000205465>
2. Булаховский Л.А. Введение в языковедение. Ч.2. — М.: Учпедгиз, 1953. — 177 с.
3. Овчинникова И.К. К вопросу об удельном весе иноязычных заимствований в лексике современного литературного персидского языка//Индийская и иранская филология. — Вопросы лексики. — М., 1971. — С 43–60.
4. Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. — М.: МГУ, 1975. — 207 с.
5. Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. — М.: Наука, 1981. — 276 с.
6. Рубинчик Ю.А. Грамматический очерк персидского языка//Персидско-русский словарь.Т.2. — М., 1983. — 1613 с.
7. Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. — М.: Издательская фирма “Восточная литература” РАН, 2001. — 600 с.

References

1. Azimdjanova D.A., *Sinonimiya glagolnoy leksiki persidskogo yazika*: (Synonymy of the verbal vocabulary of the Persian language), abstract of the dissertation of the candidate of philological Sciences. Tashkent, 1997. 21 p. Available at: <https://search.rsl.ru/ru/record/01000205465>
2. Bulaxovskiy L.A., *Vvedenie v yazikoznanie*: (Introduction to linguistics), vol.2, Moscow: Uchpedgiz, 1953, 177 p.
3. Ovchinnikova I.K., *Indiyskaya i iranskaya filologiya* (Indian and Iranian philology, 1971, No. 2 pp. 43–60.
4. Peysikov L.S., *Leksikologiya sovremennogo persidskogo yazika* (Lexicology of the modern Persian language) Moscow: Moscow state university, 1975, 207 p.
5. Rubinchik Yu.A., *Osnovi frazeologii persidskogo yazika* (Fundamentals of Persian phraseology), Moscow: Nauka, 1981, 276 p.
6. Rubinchik Yu.A., *Persidsko-russkiy slovar* (Persian-Russian dictionary), vol. 2, Moscow, 1983, 1613 p.
7. Rubinchik Yu.A., *Grammatika sovremennogo persidskogo literaturnogo yazyka* (Grammar of the modern Persian literary language) Moscow: Vostochnaya literatura RAN, 2001, 600 p.